

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИҚАДИРОВ ШАВКАТ АБДИҲОМИДОВИЧ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИНГ РАДОН-222
БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИНИ РАДИОЭКОЛОГИК БАҲОЛАШ**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз- 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Абдикадилов Шавкат Абдиҳомидович

Сурхондарё вилояти атмосфера ҳавосининг радон-222 билан зарарланишини радиоэкологик баҳолаш..... 3

Абдикадилов Шавкат Абдиҳамидович

Радиоэкологическая оценка загрязнения атмосферного воздуха Сурхандарьинской области с радон-222 21

Abdikadirov Shavkat

Radioecological assessment of air pollution in Surkhandarya region with radon-222..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИҚАДИРОВ ШАВКАТ АБДИҲОМИДОВИЧ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИНГ РАДОН-222
БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИНИ РАДИОЭКОЛОГИК БАҲОЛАШ**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз- 2021

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида _____ рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (termizdu@umail.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тураев Хайит Худайназарович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қўлдошева Шахноза Абдулазизовна

кимё фанлари доктори, профессор

Муқимова Гульвар Жумаевна

кимё фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг «__»_____ 2021 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz.

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «__»_____куни тарқатилди.

(2021 йил «__»_____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.А. Умбаров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф.

Ш.А. Касимов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш котиби, к.ф.ф.д., доц.

Р.В. Аликулов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги бир марталик
илмий семинар раиси, к.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Инсоният ҳаёти учун энг муҳим омил бўлган атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг сифат кўрсаткичларини экологик нормативларга мослигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши инсон, ўсимлик, ҳайвонот, умуман, жамики тирик мавжудотларга зарарли таъсир кўрсатади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2018 йилги маълумотларига кўра, йилига 7 миллион киши ҳавонинг ҳаддан ташқари ифлосланиши натижасида вафот этмоқда. Айниқса, Осиё ва Африка қитъаси мамлакатлари бу кўрсаткич бўйича юқори ўринларда туради. Одамлардаги юрак касалликларининг 25 фоизи, шол касаллигининг 24 фоизи, ўпка касалликлари ва ўпка саратонининг 43 фоизи ифлосланган ҳаводан нафас олиш натижасида келиб чиқмоқда. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши нафақат инсон, балки атроф муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда дунёда энергия манбаи бўлган ер ости ресурсларидан оқилона фойдаланиш, радиацион назоратнинг тўғрилиги ва ишончилигини ошириш, табиий радиофаолликнинг атроф-муҳитга табиий ва техноген таъсирини камайтириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётган бўлсада, радиофаол нурларнинг зарарли таъсири кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу эса атроф-муҳит объектларнинг радиацион омилларини баҳолаш учун замонавий радиометрик усуллар мажмуасини такомиллаштириш ва қўллаш, табиий ва техноген объектларда нурланишнинг зарарлаш даражаси – НЗД қийматини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқариш саноат зоналарининг радиоэкологик ҳолатини назорат қилиш зарурлигини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистонда ер остидаги янги фойдали қазилма конларини ўзлаштириш ҳисобига, нефть-газ саноати, металлургия ва бошқа халқ хўжалиги соҳалари жадал ривожланмоқда. Республикамизда 99,5 минг турғун ифлослантирувчи манба, 3,5 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда 4 млн. дан ортиқ кўчма ифлослантирувчи манбалар, яъни автотранспорт воситалари мавжуд. Саноат корхоналарида экологик хавфсиз технологияларни қўллаш бўйича назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида «одамлар яшашининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини куриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш...»¹ га қаратилган муҳим вазифалари белгиланган. Бу борада, табиий ва техноген радиацион хавфли ҳудудларнинг экотизимга таъсири катталикларини баҳолаш бўйича илмий тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7-февралдаги ПҚ-4947 сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 23-августдаги ПҚ-3236-сонли «2017 – 2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 10 сентябрдаги №565-сонли “Атом энергиясини тинчлик мақсадида қўллаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача атроф-муҳит муҳофазаси концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. “Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш” устувор йўналишлари билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётлар таҳлилидан кўринадики, радиацион-ифлосланган ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг экотизимга таъсирини баҳолаш масалалари бўйича А.Н.Sparrow, J. Sahlells, С.У.Ayerbax, G.V.Bleylok, S.S. Shvarts, J.M. Anderson, R.Riklefs, Л.П. Рихванов, А.М. Кузин, А.А. Передельский, В.М. Клечковский, Н.В. Тимофеев-Рисовский, Ф.А. Тихомиров, А.Ғ.Ғаниев, Ю.Б. Искандаров, Т.М. Мўминов, А.А. Кист, У.Худойбергенов, Р.А.Қулматов, С.М. Туробжонов, Г.С. Саттаров, Х.Х.Тураев, С.Ч.Эшкараев ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган. Аммо Сурхондарё вилояти атмосфера ҳавосининг радионуклидлар билан зарарланишини аниқлаш ва баҳолаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

Юқоридаги фикрларнинг барчаси атмосфера ҳавосидаги радон-222 радионуклидини аниқлаш ва баҳолаш, таҳлил натижаларини экоаналитик амалиётда қўллаш имконини берувчи кенг кўламдаги илмий-тадқиқотлар олиб бориш учун замин бўлиши мумкинлиги ҳақида далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-12-ФҚ-17926 “Замонавий ядро-физикавий методлар ёрдамида гидрометаллургия корхоналари чиқинди эритмалари таркибидаги нодир металларни концентрлаш ва ажратиш” (2012-2016 йй.) ва №ОТ-Ф7-34 «Комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи d-металларни ажратишнинг назарий асослари» (2017-2020 йй.) мавзуларидаги амалий ҳамда фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сурхондарё вилояти атмосфера ҳавосидаги радон-222 радионуклиди миқдорини радиэкологик баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сурхондарё вилоятининг радиофаол табиий объектларида радиометрик таҳлил усулларининг методик ва метрологик характеристикаларини тадқиқ қилиш;

техноген объектларнинг радиацион омиллари катталикларини баҳолаш учун радиометрик усуллар мажмуасини такомиллаштириш ва қўллаш;

^{222}Rn радионуклидининг вилоят атмосфера ҳавосида миграция ва тарқалишининг баландлик, шамол йўналиши, атмосфера босими, ҳарорат, Тожикистон алюминий заводи ва “Афғон шамоли” га боғлиқлигини исботлаш;

атмосфера ҳавосида радон-222 радионуклидини аниқлаш, мониторинг ва назорат қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

техноген объектларда радон-222 радионуклидининг зарарлаш даражаси – НЗД қийматини таҳлил қилиш натижасида ишлаб чиқариш саноатини радиоэкологик назорат қилиш имкониятларини тадқиқ қилиш;

олинган тадқиқот натижалари асосида ишчи ходимларнинг олган йиллик эффектив дозаси миқдорини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида радиацион ифлосланган табиий ва техноген объектлар ҳавоси, “Афғон шамоли”, вилоятдаги корхоналар атрофи атмосфера ҳавоси, экотизим намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вилоят атмосфера ҳавоси, кичик саноат зоналари ҳавоси, радиацион ифлосланган ишлаб чиқаришнинг радиометрик ва радиоэкологик омиллари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида радиометрия, спектрометрия, дозиметрия, бета, гамма ва масс-спектрометрия каби аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

объектларнинг радиацион ифлосланиши даражасини белгиловчи ^{222}Rn миқдори аҳоли яшаш ҳудудлари ва саноат зоналари атмосфера ҳавосида аниқланган;

радон-222 миқдорининг ортишига вилоятнинг шимолий туманлари атмосфера ҳавосида Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган заҳарли газлар, шимолий-шарқий туманлари атмосфера ҳавосида эса янги очилган конларнинг таъсири баҳоланган;

объектларнинг радиацион ифлосланиш даражасини кўрсатувчи экспозицион доза ўртача қийматининг аҳоли, аҳолининг маълум қисми ва ишчи-ходимлар учун йиллик эффектив дозага боғлиқлик графиги яратилган;

табиий ва техноген объектларнинг радон-222 билан радиацион ифлосланиш даражасини кўрсатувчи нурланиш зарарлаш даражаси НЗД қийматининг аҳоли ва ишчи-ходимлар учун йил фасллари, шамол йўналиши, баландлик, атмосфера босими, ҳарорат ва бошқа омилларга боғлиқлик графиги яратилган;

радиацион ифлосланиш даражаси НЗД дан юқори бўлган нуқталарда радиоэкологик назорат қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

радиацион ифлосланган табиий ва техноген ҳудудларда радон-222 радионуклидини аниқлашда радиометрик-спектрометрик таҳлил усули такомиллаштирилган;

Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари атмосфера ҳавосига Тожикистон алюминий заводининг радиоэкологик таъсири аниқланган;

вилоятда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари атмосфера ҳавосидаги радон-222 радионуклиди миқдори аниқланган ва мониторинг қилинган;

вилоят атмосфера ҳавосида радон-222 радионуклидининг тарқалиш ва кўчишига йил фасллари, шамол йўналиши, баландлик, атмосфера босими, ҳарорат ва бошқа омилларнинг таъсири аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги маълум ҳажмдаги назарий ва лаборатория тадқиқотлари натижаларининг олинганлиги, радиометрик-спектрометрик усули ва ўлчаш асбобларининг қўлланилганлиги, ишлаб чиқилган усулларнинг халқаро стандарт намуналар ҳамда замонавий масс-спектрометрия усули билан солиштирилганлиги, параллел таҳлиллар ўтказилганлиги ва бошқа тадқиқотчилар ва лабораториялар натижаларига солиштириш орқали исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти атроф-муҳитга радиацион таъсирлар катталигини баҳолашда табиий ва техноген объектларда радиацион омилларни аниқловчи такомиллаштирилган β ва γ - радиометрик-спектрометрик усулнинг қўлланилиши, атмосфера ҳавосидаги ^{222}Rn радионуклиди миқдорини аниқлаш асосида, атроф-муҳитни ва ишчи-ходимларни зарарли ионлаштирувчи нурланиш таъсиридан ишончли ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиши, атмосфера ҳавосида радон радиофаол элементининг тарқалиш ва кўчиш жараёнларини исботлаш орқали атмосфера ҳавосининг радиоэкологик хариталарини тайёрлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти атмосфера ҳавосининг мусаффолигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, “Афғон шамоли” нинг радон радиофаол элементи тарқалиши ва кўчишига таъсирини аниқлаш ҳамда атмосфера ҳавосини радиоэкологик баҳолаш ва назорат қилиш бўйича тавсия ва тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурхондарё вилояти атмосфера ҳавосининг радон-222 билан зарарланишини радиоэкологик баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Атмосфера ҳавосидаги радон-222 радионуклидини радиометрик-спектрометрик усулда аниқлаш “Олмалик КМК” АЖ корхонасида амалиётга жорий қилинган («Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ нинг 2021 йил 5 октябрдаги АА №008141-сонли маълумотномаси). Натижада комбинат ҳудуди атмосфера ҳавосидан олинган намуналарда радон-222 радионуклиди миқдори ўртача 0,84 Бк/кг қийматда бўлиб, белгиланган меъёр (НРБ:97-2014) да эканлиги аниқланган;

радиацион ифлосланиш даражасини кўрсатувчи нурланиш зарарлаш даражаси НЗД қийматининг аҳоли ва ишчи-ходимлар учун меъёрини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар “Олмалиқ КМК” АЖ корхонасида амалиётга жорий қилинган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ нинг 2021 йил 5 октябрдаги АА №008141-сонли маълумотномаси). Натижада корхона атмосфера ҳавосида радон-222 миқдори белгиланган меъёрдан ортиб кетганда радиацион хавфсизлик чораларини белгилаш ва амалга ошириш кўникмаси ишчи-ходимларда ҳосил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 2 таси Республика илмий журналларда нашр қилинган.

Илмий иш тузилмаси ва ҳажми. Диссертация таркиби - кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган, ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг биринчи **“Атмосфера ҳавосида радионуклидларни ўлчаш усуллариининг ҳолати”** бобида атмосфера ҳавосида радионуклидларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири, табиий атроф-муҳитда радионуклидларнинг тарқалиши, радиометрик аниқлашнинг метрологик асослари, радионуклидларнинг ҳавода тарқалиши ва кўчиши, табиий ва сунъий радионуклидлар ҳамда радионуклидларни радиометрик-спектрометрик усулларда аниқлаш, табиий ва ер ости сувлари таркибидаги радионуклидлар, тиббиёт диагностика воситаларидан инсон организмга таъсир этувчи ионловчи нурланишлар манбалари тупроқ таркибининг радиоактивлигига бағишланган адабиётлар шарҳи берилган. Адабиётларда берилган маълумотлар асосида радиометрик таҳлил усулининг қўлланилиши даражаси баҳоланган.

Диссертациянинг “Сурхондарё вилояти атмосфера ҳавосининг умумий таснифи” деб номланган иккинчи бобида Термиз шаҳри, Денов, Сариосиё ва Узун туманлари атмосфера ҳавосининг экологик таснифи, атмосфера ҳавосини мониторинг қилишнинг замонавий усуллари ёритилган.



1-расм. Сурхондарё вилояти техноген ҳудудларида танланган атмосфера ҳавосида ўтказиладиган мониторинг нуқталари

Шунингдек, мазкур бобда атмосфера ҳавосида радиометрик тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиладиган асбоблар ва материаллар, Сурхон воҳаси ҳудудларида радон-222 нурланишини ўлчаш

мониторингини олиб бориш, атмосфера ҳавосида ўтказилган мониторинг солиштирма натижалари берилган. Атмосфера ҳавосида 2019 ва 2020 йилларда ойма-ой γ -нурланиши мониторинги олиб борилди. Ўлчовлар радиометрик усулда ўлчаниб, Термиз шаҳри ва Термиз туманида баҳор ойида γ -нурланишининг ортиши ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши билан боғлиқ эканлиги исботланди. Ўзбекистоннинг энг жанубий қисмида жойлашган Термиз шаҳри ва Термиз туманида ҳарорат баҳор фаслининг охирига келиб юқорига кўтарилиши билан бирга ўлчовлардаги γ -нурланишининг миқдори ҳам ошиб борганлиги кузатилади. Воҳанинг Сариосиё, Қумқўрғон, Олтинсой туманлари атмосфера ҳавосида γ -нурланишининг доимий ўзгармас миқдори кузатилади. Термиз шаҳри ва Термиз туманида ўтказилган ўлчовларда γ -нурланиши кўрсаткичи 0,05 мкЗв/с дан 0,28 мкЗв/с гача миқдори аниқланган бўлса, Жарқўрғон туманида 0,04 дан 0,13 мкЗв/с гача, Бойсунда 0,05 дан 0,11 мкЗв/с гача, Денов ва Сариосиё туманларида 0,07 дан 0,25 мкЗв/с гача эканлиги аниқланган. Термиз шаҳрида γ -нурланишнинг бир оз кўплиги ҳаво ҳароратининг юқори келиши билан боғлиқ бўлса, Денов, Сариосиё, Узун туманларида Хонжиза кони рудаларини қовлаш вақтида радонларнинг ярим емирилиши билан боғлиқ.


Атмосфера ҳавоси мониторингидан келиб чиқадиги, техноген объектларнинг ҳам ўзаро таъсири нурланиш даражасини ошишига олиб келади. Атмосфера ҳавосидан белгилаб олинган нуқталарда 2019-2020 йиллар давомида γ -нурланиши ўлчовлари ўтказилди (1-жадвал).

1-жадвал


Сурхондарё вилояти аҳолисининг яшаш жойларида ўтказилган γ -нурланиши ўлчовлари 2019-2020 йиллар давомида олинган натижаси, мкЗв/с.

№	Ҳудудлар номи	йиллар	январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
1	Термиз шаҳар	2019	0,07	0,05	0,09	0,28	0,25	0,19	0,18	0,15	0,16	0,09	0,1	0,09
		2020	0,06	0,05	0,09	0,1	0,1	0,1	0,1	0,09	0,09	0,08	0,08	0,07
2	Жарқўрғон тумани	2019	0,05	0,06	0,08	0,13	0,13	0,12	0,11	0,1	0,1	0,09	0,07	0,05
		2020	0,03	0,04	0,08	0,1	0,09	0,09	0,08	0,09	0,08	0,07	0,06	0,04
3	Бойсун	2019	0,08	0,08	0,09	0,11	0,11	0,1	0,1	0,09	0,09	0,08	0,08	0,08

	тумани	2020	0,05	0,06	0,07	0,1	0,1	0,1	0,09	0,1	0,09	0,08	0,06	0,05
4	Денов тумани	2019	0,09	0,1	0,13	0,3	0,25	0,15	0,11	0,11	0,1	0,1	0,09	0,09
		2020	0,04	0,05	0,09	0,09	0,09	0,09	0,09	0,08	0,08	0,08	0,07	0,07
5	Шўрчи тумани	2019	0,05	0,06	0,09	0,14	0,13	0,13	0,12	0,11	0,1	0,08	0,07	0,05
		2020	0,03	0,04	0,06	0,08	0,08	0,08	0,07	0,06	0,06	0,06	0,05	0,04
6	Шеробод тумани	2019	0,13	0,11	0,14	0,3	0,24	0,23	0,2	0,15	0,15	0,13	0,13	0,12
		2020	0,08	0,09	0,1	0,12	0,14	0,11	0,11	0,09	0,09	0,08	0,07	0,05
7	Сариосиё тумани	2019	0,12	0,12	0,15	0,3	0,25	0,25	0,2	0,15	0,15	0,13	0,13	0,12
		2020	0,05	0,06	0,1	0,11	0,11	0,1	0,1	0,1	0,09	0,08	0,07	0,05
8	Олтинсой тумани	2019	0,03	0,05	0,08	0,09	0,09	0,09	0,08	0,07	0,07	0,06	0,05	0,04
		2020	0,04	0,05	0,08	0,08	0,08	0,08	0,07	0,07	0,06	0,06	0,04	0,03
9	Кумқўрғон тумани	2019	0,03	0,05	0,07	0,08	0,08	0,08	0,07	0,08	0,07	0,06	0,04	0,02
		2020	0,02	0,05	0,07	0,08	0,08	0,08	0,07	0,07	0,06	0,05	0,05	0,03
ЖАМИ		2019	0,07	0,07	0,10	0,18	0,16	0,14	0,12	0,11	0,11	0,09	0,08	0,07
		2020	0,04	0,05	0,08	0,09	0,09	0,09	0,08	0,08	0,076	0,07	0,06	0,05




2019 йил



2020 йил

2-расм. Сурхондарё вилояти аҳолиснинг яшаш жойларида баҳорда ўтказилган γ-нурланиш ўлчовлари диаграммаси



3-расм. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ва тумани атмосфера ҳавосида радон-222 радионуклидининг бета-нурланиш активлиги натижалари (2020 йил баҳор)

Бу нуқтада нурланиш активлиги бошқа нуқталарига қараганда юқори бўлиб, белгиланган меъёр ($УВ=1,0$) дан бироз юқори эканлиги маълум бўлди; Бунинг сабаби юқорида айтиб ўтилган корхоналарда турли радионуклидлар билан зарарланган хом-ашёлардан фойдаланилади ва уларни

3-расмдаги диаграммадан кўришиб турибдики, 9, 10, 14 ва 15 - нуқталарда радон-222 нинг бета-нурланиш активлиги юқори қийматга эга экан ва бу белгиланган меъёр ($УВ=1,0$) дан баланд ҳисобланади;

9-нуқта Термиз шаҳридаги Жўйжангал маҳалласида жойлашган бўлиб, 3 та саноат корхонаси (Сурхон сендвич панел, Ойна ишлаб чиқариш заводи ва механика заводи) мавжуд бўлган кичик саноат зонаси ҳисобланади;

майдалаш ва эритиш жараёнида радон-222 радионуклиди атмосферага тарқалади;

14 ва 15-нуқталардаги радон-222 активлигининг ортиши Термиз туманида жойлашган саноат зонаси бўлган Gold Agro Fresh қўшма корхонаси, Термиз паррандачилик фабрикаси ва керамика заводида олиб борилаётган ишлар билан изоҳланади.

Сурхондарё воҳасининг айрим ҳудудларида жумладан Термиз шаҳри ва туманида радон-222 радионуклидини радиометрик ўлчов усулида тадқиқотлар ўтказилди (2-жадвал).

**Термиз шаҳар ва Термиз туман атмосфера ҳавосини 2019 йил давомида
радиометрик ўлчаш натижалари**

(t_{ўлч}=30 мин, E_{max}=622 кэВ, ЧВ=0,62 имп/с.бкл)

№	Радон-222 -нинг β-нурланиш солиштирма активлиги, Бк/кг(УВ=1,0)			
	қиш	баҳор	ёз	куз
1	0,22	0,24	0,17	0,19
2	0,31	0,33	0,26	0,27
3	0,14	0,17	0,10	0,10
4	0,63	0,65	0,52	0,50
5	0,34	0,27	0,22	0,21
6	0,29	0,31	0,25	0,25
7	0,22	0,28	0,16	0,15
8	1,02	0,97	0,91	0,90
9	1,07	1,08	1,01	0,92
10	1,08	1,07	0,97	0,94
11	0,74	0,78	0,62	0,60
12	0,40	0,39	0,30	0,30
13	0,97	0,97	0,91	0,91
14	1,05	1,02	1,01	0,98
15	1,02	1,04	0,98	1,01

Ўлчаган материалнинг радиация хавфсизлиги даражасини баҳолаш учун олинган натижалар белгиланган стандартлар билан таққосланади.

Ушбу мақсадлар учун “АСW” дастури қуйидаги тушунчаларни тақдим этади:

“Материал” - бу бир ёки бир нечта радионуклидлар учун аниқ фаолиятнинг стандарт қийматлари берилган материалнинг идентификациялашган анъанавий номи;

“Рухсат этилган чегара (ДП)” - радионуклиднинг материалдаги ўзига хос фаоллигининг рухсат этилган қиймати, агар у ошиб кеца, материал радиация учун хавфли ҳисобланади.

“Мувофиқлик кўрсаткичи (ПС)” - бу санаб чиқилган намунадаги битта радионуклиднинг ўзига хос фаоллигининг ушбу радионуклид учун рухсат этилган чегараси қийматига нисбати.

“Умумий мувофиқлик кўрсаткичи” - бу бутун ҳисобланадиган намуналар учун мавжуд мувофиқлик кўрсаткичлари йиғиндиси.

Ҳисоблаш намунасининг умумий мувофиқлигини аниқлаш учун ўлчов спектридаги материал турини кўрсатинг.

Агар спектрдаги “Материал” майдони тўлдирилган бўлса ва “АСW” дастуридаги материаллар рўйхатида ушбу материал учун камида битта радионуклид учун тегишли рухсат этилган чегаралар мавжуд бўлса, унда натижалар жадвалида спектрни қайта ишлаш жараёнида иккита қўшимча

“ДП” ва “ПС” устунлари тақдим етилади. Улар илгари айтиб ўтилган “Толерантлик” ва “Мувофиқлик индекси” қийматларини акс эттиради.

Диссертациянинг “Сурхондарё вилояти атмосфера ҳавосининг радиоэкологик тадқиқотлари” номли учинчи бобида Шеробод, Бойсун туманлари атмосфера ҳавосидаги радон-222 радионуклиди бета-нурланиши радиометрик аниқлаш тадқиқотлари, Термиз шаҳрининг “Афғон шамоли” бўйича атмосфера ҳавосининг ҳолати, Денов, Олтинсой, Сариосиё, Узун, Шеробод ва Бойсун туманлари атмосфера ҳавосининг радиоэкологик ҳолати тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Шеробод туманидаги “Гранит заводи” га яқин бўлган Пашхўрт ва Зарабоғ қишлоқлари атмосфера ҳавосидан АПВ 4-12 маркали аспиратор асбоби ёрдамида 6 та ҳаво намуналари олинди. Олинган намуналар 20 мл дистилланган сувда эритилди ва оғзи маҳкам қилиб беркитиладиган маринелли идишига солинди. Уларнинг таркибидаги радон-222 радионуклиди мавжудлигини аниқлаш учун дастлаб эталон ўлчаш воситалари ёрдамида қиёсловдан ўтган МКГБ-01 радиометр-спектрометр асбобида бета-нурланиш активлиги ўлчанди. Тажриба натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Шеробод тумани атмосфера ҳавосида 2020 йилда радон-222 радионуклиди бета-нурланиш активлигини радиометрик ўлчаш натижалари.

($t_{\text{ўлч}}=30$ мин, $E_{\text{max}}=622$ кЭв, $ЧВ=0,62$ имп/с*бкл)

№	Намуна олинган жой	Rn-222 нинг бета-нурланиш активлиги, Бк/кг (УВ=60)			
		қиш	бахор	ёз	куз
1	Пашхўрт қишлоғининг шимолий-ғарбий чегараси	0,11	0,09	0,08	0,13
2	Пашхўрт қишлоғининг маркази	0,07	0,09	0,07	0,09
3	Пашхўрт қишлоғининг шимолий-шарқий чегараси	0,14	0,14	0,12	0,16
4	Зарабоғ қишлоғининг жанубий-ғарбий чегараси	0,05	0,06	0,05	0,08
5	Зарабоғ қишлоғининг маркази	0,06	0,04	0,03	0,03
6	Зарабоғ қишлоғининг жанубий-шарқий чегараси	0,07	0,06	0,07	0,06

Жадвалдан кўришиб турибдики, радон-222 радионуклидининг концентрацияси 1 ва 3 –нуқталарда юқори экан. Чунки айнан шу икки нуқта гранит плиталар ишлаб чиқарадиган “Гранит заводи” га шамол йўналиши бўйича энг яқин қишлоқ ҳисобланади (7 км). Лекин бу кўрсаткич зарарлаш даражасидан жуда паст ҳисобланади. Биз кейинги тадқиқотларимизда айнан гранит заводининг атмосфера ҳавосидаги радон-222 радионуклиди

концентрациясини аниқлаш ишларини олиб борамиз. Тадқиқотлар натижасига кўра Шеробод тумани Пошхўрт қишлоғининг шимолий-шарқий ва шимолий-ғарбий томонидан шамолнинг эсиш йўналиши бўйича аҳоли яшаш пунктларида бета нурланиши кўрсаткичлари бошқа томонларга нисбатан бир оз кам миқдорни кўрсатди. Бир оз юқорида жойлашган зарбоғ қишлоғининг атмосфера ҳавосида ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра бета нурланиш кўрсаткичи 0,03 Бк/кг дан 0,07 Бк/кг гача аниқланди.

Бойсун туманининг Бойсун тоғ кўмири кони атрофида жойлашган Тўда қишлоғининг аҳоли яшаш пунктларида ҳам назорат нуқталари танлаб олинди ва бета нурланиш миқдорини аниқлаш учун тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар натижасига кўра 2020 йилнинг Тўда қишлоғининг атмосфера ҳавосидаги радон-222 нинг бета нурланиш миқдори 0,07 Бк/кг дан 0,12 Бк/кг гача бўлган концентрация аниқланди (жад.4). Демак Бойсун тоғ кўмири кони чиқиндиларига нисбатан гранит заводининг чиқиндилари эътиборни тортди.

4-жадвал

Бойсун тумани атмосфера ҳавосини 2020 йилда радон-222 радионуклиди бета-нурланиш активлигини радиометрик ўлчаш натижалари.
($t_{\text{ўлч}}=30$ мин, $E_{\text{max}}=622$ кЭв, $ЧВ=0,62$ имп/с*Бкл)

№	Намуна олинган жой	Rn-222 нинг бета-нурланиш активлиги, Бк/кг (УВ=60)			
		қиш	бахор	ёз	куз
1	Тўда қишлоғининг шимолий-ғарбий чегараси	0,1	0,09	0,07	0,06
2	Тўда қишлоғининг маркази	0,1	0,1	0,08	0,09
3	Тўда қишлоғининг шимолий-шарқий чегараси	0,11	0,12	0,11	0,09

Шунингдек, Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманлари атмосфера ҳавосини 2020 йилда радон-222 радионуклиди бета-нурланиш активлиги радиометрик усулда ўлчанди ва таҳлил қилинди (5-8 жадваллар).

5-жадвал

**Сариосиё тумани атмосфера ҳавосини 2020 йилда радон-222 радионуклиди
бета-нурланиш активлигини радиометрик ўлчаш натижалари**
($t_{\text{ўлч}}=30$ мин, $E_{\text{мах}}=622$ кЭв, ЧВ=0,62 имп/сбкл)

№	Намуна олинган жой	Rn-222 нинг бета-нурланиш активлиги, Бк/кг (УВ=60)			
		қиш	бахор	ёз	куз
1	Сариосиё туман Суфиён	0,13	0,2	0,22	0,1
2	Сариосиё туман Дашнобод	0,12	0,17	0,2	0,11
3	Сариосиё туман Бобур	0,12	0,18	0,2	0,12
4	Сариосиё туман Охунбобоев	0,11	0,15	0,19	0,09

6-жадвал

**Узун тумани атмосфера ҳавосини 2020 йилда радон-222 радионуклиди бета-
нурланиш активлигини радиометрик ўлчаш натижалари**
($t_{\text{ўлч}}=30$ мин, $E_{\text{мах}}=622$ кЭв, ЧВ=0,62 имп/сбкл)

№	Намуна олинган жой	Rn-222 нинг бета-нурланиш активлиги, Бк/кг (УВ=60)			
		қиш	бахор	ёз	куз
1	Узун тумани Б.Омонов	0,13	0,19	0,2	0,14
2	Узун тумани Э.Мирзаев	0,12	0,18	0,2	0,13
3	Узун тумани Гулистон	0,11	0,16	0,18	0,12
4	Узун тумани Ж.Пирназаров	0,12	0,17	0,19	0,13

7-жадвал

**Денов тумани атмосфера ҳавосини 2020 йилда радон-222 радионуклиди бета-
нурланиш активлигини радиометрик ўлчаш натижалари**
($t_{\text{ўлч}}=30$ мин, $E_{\text{мах}}=622$ кЭв, ЧВ=0,62 имп/сбкл)

№	Намуна олинган жой	Rn-222 нинг бета-нурланиш активлиги, Бк/кг (УВ=60)			
		қиш	бахор	ёз	куз
1	Денов тумани А.Темур	0,1	0,16	0,17	0,09
2	Денов тумани Ўзбекистон	0,09	0,15	0,17	0,09
3	Денов тумани Ш.Қобилов	0,08	0,15	0,16	0,08

8-жадвал

**Олтинсой тумани атмосфера ҳавосини 2020 йилда радон-222 радионуклиди
бета-нурланиш активлигини радиометрик ўлчаш натижалари**
($t_{\text{ўлч}}=30$ мин, $E_{\text{мах}}=622$ кЭв, ЧВ=0,62 имп/сбкл)

№	Намуна олинган жой	Rn-222 нинг бета-нурланиш активлиги, Бк/кг (УВ=60)			
		қиш	Баҳор	ёз	Куз
1	Олтинсой тумани Қорлик	0,08	0,13	0,14	0,07
2	Олтинсой тумани Янгиқурилиш	0,07	0,12	0,13	0,06
3	Олтинсой тумани Миршоди	0,06	0,11	0,12	0,05
4	Олтинсой тумани Дегрез	0,06	0,12	0,13	0,06

Дала тадқиқот ишларида табиий ва техноген объектларга яқин бўлган аҳоли яшаш ҳудудларининг метериологик кўрсаткичлари 2020 йил давомида ўрганилди (9-12- жадваллар).

9-жадвал

Атмосфера ҳавосининг метрологик маълумотлари (2020 йил ёз фасли)

Намуна олинган нуқталар	Ҳаво ҳарорати, °С	Нисбий намлик, %	Ҳаво ҳаракати тезлиги, м/с	Атмосфера ҳавосининг босими, мм.см.уст
Термиз шаҳри, Ибн Сино кўчаси	39,1-50,9	29,2	1,5-5,2	710,0-723,2
Термиз тумани, Учқизил қўрғони	39,2-51,6	27,1	2,8-5,3	710,1-725,2
Бойсун тумани, Сарқамиш қишлоғи	28,1-32,8	26,7	5,3-6,2	622,3-686,1
Бойсун тумани, Дарбанд қишлоғи	27,8-32,4	27,7	5,3-6,2	625,5-684,1
Олтинсой тумани, Миршоди қишлоғи	26,4-33,2	29,3	4,5-5,6	634,2-692,4
Олтинсой тумани, Дегрез қишлоғи	26,8-34,4	28,4	3,2-5,7	636,4-692,3
Денов тумани	24,5-34,5	21,2-28,3	4,5-5,6	636-7-692,2
Сариосиё тумани	24,6-34,5	22,6-32,4	4,7-6,2	635,3-691,5
Шеробод тумани	32-37	15-18	5,1-6,3	709-713

10-жадвал

Атмосфера ҳавосининг метрологик маълумотлари (2020 йил куз фасли)

Намуна олинган нуқталар	Ҳаво ҳарорати, °С	Нисбий намлик, %	Ҳаво ҳаракати тезлиги, м/с	Атмосфера ҳавосининг босими, мм.см.уст
Термиз шаҳри, Ибн Сино кўчаси	18,2-34,9	41,4-57,3	3,2-5,4	732,5-744,5
Термиз тумани, Учқизил қўрғони	19,2-34,4	41,1-66,1	3,2-5,4	733,5-744,2
Бойсун тумани, Сарқамиш қишлоғи	12,5-32,8	26,7-32,4	2,3-5,6	646,1-654,3
Бойсун тумани, Дарбанд қишлоғи	13,4-32,4	28,7-36,4	2,3-5,8	636,1-646,2
Олтинсой тумани, Миршоди қишлоғи	15,4-33,2	29,3-37,3	3,3-6,4	692,4-694,5
Олтинсой тумани, Дегрез қишлоғи	14,8-34,4	28,4-38,2	3,4-5,6	692,3-694,6
Денов тумани	14,5-28,5	21,2-28,3	4,5-5,6	692,2-717,2
Сариосиё тумани	14,6-24,2	22,6-32,4	4,7-6,2	691,5-702,1
Шеробод тумани	19-34	9-20	1-5	721-724

11-жадвал

Атмосфера ҳавосининг метрологик маълумотлари (2020 йил баҳор фасли)

Намуна олинган нуқталар	Ҳаво ҳарорати, °С	Нисбий намлик, %	Ҳаво ҳаракати тезлиги, м/с	Атмосфера ҳавосининг босими, мм.см.уст
Термиз шаҳри, Ибн Сино кўчаси	16,2-34,1	19-29,2	5-6	710,1-720,9
Термиз тумани, Учқизил қўрғони	16,9-36,9	17-27,1	4-5	713,5-718,5
Бойсун тумани, Сарқамиш қишлоғи	14,4-22,8	28-66,7	5-6	634,2-683,1
Бойсун тумани, Дарбанд қишлоғи	14,2-22,4	27,5-67,7	4-6	633,2-684,1

Олтинсой тумани, Миршоди қишлоғи	16,6-28,2	21-69,3	4-7	621,7-672,4
Олтинсой тумани, Дегрез қишлоғи	16,2-28,4	20-68,4	3-6	620,8-672,3
Денов тумани	28,5-32,5	21,2-28,3	4,5-5,6	644,3-692,2
Сариосиё тумани	24,6-32,8	22,6-32,4	4,7-6,2	645,2-691,5
Шеробод тумани	14-33	23-50	6,1-8,3	715-719

12-жадвал

Атмосфера ҳавосининг метрологик маълумотлари (2020 йил қиш фасли)

Намуна олинган нуқталар	Ҳаво ҳарорати, °С	Нисбий намлик, %	Ҳаво ҳаракати тезлиги, м/с	Атмосфера ҳавосининг босими, мм.с.у.ст
Термиз шаҳри, Ибн Сино кўчаси	6,2-12,1	46,2-68,7	6-8	741-744
Термиз тумани, Учқизил қўрғони	5,7-14,5	47,1-61,5	6-7	741-743,5
Бойсун тумани, Сарқамиш қишлоғи	3,2-8,8	65,7-76,7	3-6	608,5-643,1
Бойсун тумани, Дарбанд қишлоғи	2,2-7,4	58,3-66,5	3-6	610,3-644,1
Олтинсой тумани, Миршоди қишлоғи	3,2-8,2	54,5-66,8	2-7	683,1-702,4
Олтинсой тумани, Дегрез қишлоғи	2,7-8,4	55,3-65,6	2-6	682,3-703,5
Денов тумани	5-12,5	46,2-58,3	4,5-5,6	692,2-707,4
Сариосиё тумани	4,6-12,5	22,6-52,4	4,7-6,2	674,3-691,5
Шеробод тумани	4,5-7,1	34-58	5,1-6,3	720-723

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турубдики ёз ва куз ойларида ҳавонинг бир оз юқори кўтарилиши, қиш ва баҳор фаслларида намликни юқори бўлиши тупроқ таркибидан радон-222 ни атмосфера ҳавосига кўтарилишига олиб келади.

Термиз шаҳар ва Термиз тумани атмосфера ҳавоси таркибида радон-222 радионуклиди, бета-нурланиш активлигини 2019 йилда радиометрик ўлчовлар мониторинги ўтказилганда маълум бўлдики 8-,9-,10-намуналарда ва 14-,15-намуналарда таркибида бета-нурланиш қиш, баҳор ва ёз ойларида бир оз юқорироқ, хатто рухсат этилган миқдордан ҳам ошганлиги аниқланди.

Термиз шаҳар ва Термиз тумани атмосфера ҳавоси таркибида радон-222 радионуклиди, бета-нурланиш активлигини 2019 йилда радиометрик ўлчовлар мониторингини эгри чизикларда ифодаланимизда ўлчов ўтказилган 3-5 нуқталарда радиоактивлик ҳолати кўтарилганлигини, 7-12, 14-15 нуқталарда энг юқори кўрсаткичларни ташкил этганлиги аниқланди. 2019 йилда бета-нурланишнинг бундай кўтарилиши ва деярли стабил ушланиб туриши кейинги тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этди.

Термиз шаҳар ва Термиз тумани атмосфера ҳавоси таркибида радон-222 радионуклиди, бета-нурланиш активлигини 2020 йилда радиометрик ўлчовлар мониторинги ўтказилганда маълум бўлдики баҳор ойларида 9-,10-намуналарда ва йилнинг барча фаслларида 14-,15-намуналарнинг таркибида

бета-нурланиш юқори эканлиги аниқланди, ушбу кўрсаткичлар рухсат этилган миқдордан ҳам юқори бўлди (13-жадвал).

13-жадвал

Термиз шаҳар ва Термиз туман атмосфера ҳавосида радон-222 радионуклиди, бета-нурланиш активлигини радиометрик ўлчаш натижалари
($t_{\text{ўлч}}=40$ мин, $E_{\text{max}}=624$ кэВ, ЧВ=0,64 имп/с.бкл)


№	Радон-222 -нинг β -нурланиш солиштирма активлиги, Бк/кг(УВ=1,0)							
	2019 йил натижалари				2020 йил натижалари			
	қиш	баҳор	ёз	куз	қиш	баҳор	ёз	куз
1	0,22	0,24	0,17	0,19	0,17	0,21	0,19	0,17
2	0,31	0,33	0,26	0,27	0,28	0,3	0,27	0,26
3	0,14	0,17	0,10	0,10	0,11	0,13	0,1	0,1
4	0,63	0,65	0,52	0,50	0,53	0,55	0,5	0,52
5	0,34	0,27	0,22	0,21	0,24	0,26	0,21	0,22
6	0,29	0,31	0,25	0,25	0,27	0,29	0,25	0,25
7	0,22	0,28	0,16	0,15	0,18	0,21	0,15	0,16
8	1,02	0,97	0,91	0,90	0,92	0,95	0,9	0,91
9	1,07	1,08	1,01	0,92	0,97	1,02	0,92	1,01
10	1,08	1,07	0,97	0,94	0,98	1,04	0,94	0,97
11	0,74	0,78	0,62	0,60	0,64	0,68	0,6	0,62
12	0,40	0,39	0,30	0,30	0,3	0,34	0,3	0,3
13	0,97	0,97	0,91	0,91	0,9	0,93	0,91	0,91
14	1,05	1,02	1,01	0,98	1,01	1,05	0,98	1,01
15	1,02	1,04	0,98	1,01	1,05	1,08	1,01	0,98

Термиз шаҳрининг “Афғон шамоли” бўйича атмосфера ҳавосининг ҳолати. Ҳозирги даврда табиий жараёнларнинг барқарорлаштирувчи асосий омиллардан бири бу инсоннинг техноген фаолияти натижаси бўлиб, у атроф муҳитни кенг кўламли ўзгартиришга олиб келади, яшаш тарзини яхшилаш мақсадида унга кимёвий таркибий қисмларни, шу жумладан радионуклидларни киритиш, унинг ифлосланиши ва бузилишига олиб келади.

Ҳаво муҳити барча табиий муҳитлар каби энг фаолларидан биридир. Шунинг учун ҳам ифлослантирувчи моддалар тезда кенг майдонларга тарқалади. Ҳатто энг тоза ҳавода ҳам ёнғинлар, денгизларнинг тузли аэрозоллари, тупроқ чанглари натижасида ҳар доим энг кичик заррачалар ва томчилар (аэрозоллар) мавжуд бўлади. Кичик миқдорларда ва паст концентрациясига қарамай, аэрозол зарралари иқлимнинг шаклланишида ва инсон саломатлиги учун хавф туғилишида ўта муҳим роль ўйнайди.

Атмосфера ҳавосидаги радиоактив моддаларнинг аэрозоллари айниқса хавфлидир. Инсон фаолияти натижасида кимёвий, фотокимёвий ва биокимёвий жараёнлар таъсири остида атроф муҳитда парчаланиши қийин бўлган бир қанча биосферада бегона моддалар (яъни ксенобиотиклар) пайдо бўлади. Шундай қилиб, ифлослантирувчи моддалар барча инсон организмини ўраб турган муҳитда учрайди ва ҳаво узок масофаларда уларнинг асосий ташувчисига айланади. Маълумки, ифлослантирувчи моддаларнинг таъсири ҳаво оқими орқали содир бўлади. Сокин ва паст ҳаво ҳаракати тезлиги зарарли моддаларнинг атмосферага тарқалиши учун энг хавfli ҳисобланади.

Йил давомида шамол йўналишларининг беқарорлиги унинг тезлиги билан тавсифланади, унинг тақрорланиш бирлиги % билан ўлчанади. Термиздаги шамол йўналиши ўзгариши тасвири диаграммада кўрсатилган (4-расм).



4-расм. Термиз шаҳрининг “Шамол гули” схемаси.

Термиз шаҳри ва Термиз тумани жанубий ғарбий томондан Амударё билан чегараланган бўлсада, бошқа томонлари текисликлар ва асосан Катта Қум чўл маскани билан ўраб турилгани жиҳатидан об-ҳавода бўладиган ўзгаришлар, шамоллар, магнит тўлқинлари аҳоли саломатлиги ножўя таъсир этади. Айниқса, жанубий-

ғарбий томондан яъни Афғонистон Республикаси томонидан вақти вақти билан кучли эсаётган шамоллар натижасида атмосфера ҳавосига учма қум кўтарилади. Шу билан биргаликда атмосфера ҳавосида Афғонистон ҳудуди томонидан келаётган зарарли моддалар чанглари таркибида ҳам ҳар хил зарарли моддалар шу жумладан радон-222 мавжудлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Термиз шаҳрида эсаётган шамолнинг йўналишлари ҳамда “Афғон шамоли”ни ўрганишда косачали анимометр, шамол йўналишини кўрсатувчи мослама ва Метиоскоп асбобларидан фойдаланилди. Шамолнинг йўналиши ва ҳаракат тезлиги, атмосфера ҳавосининг босими ва ҳарорати ўлчаниб, шамол гули йўналишини аниқлаш жадвали ишлаб чиқилди (14-жадвал).

14 - жадвал

Термиз шаҳрига таъсир этадиган “Афғон шамоли” шамол оқимининг “Шамол гули” фойзларда аниқланган ҳолати

	Томонлар	Шамол оқими, %
1.	Шимолий	6,6
2.	Шимолий-шарқий	14,9
3.	Шарқий	12,9
4.	Жанубий-шарқий	7,2
5.	Жанубий	6,4
6.	Жанубий-ғарбий	17,5
7.	Ғарбий	29,1
8.	Шимолий- ғарбий	5,4
	Жами	100,0

Тавсиялар

- ҳавонинг транспорт ва бошқа харакатланувчи манбалар томонидан ифлосланишини камайтириш;
- мотор ёнилгиси турларининг сифатини ошириш;
- эски транспорт воситалари, шу жумладан юк машиналарини модернизациялаш ва алмаштириш;
- йирик шаҳарлар ва туманларда автомобиль йуллари тармогини яхшилаш;
- этилланган бензинни этилланмаган бензинга алмаштириш ва мотор ёнилгиси сифатида табиий газдан кенгрок фойдаланиш, шунингдек ёнилги хусусиятлари стандартларини ошириш;
- техник куриклар ахамиятини ошириш ва чикувчи газлар меъёрлари ва стандартларини назорат қилишни кучайтириш, шунингдек давлат ва шахсий транспорт воситалари учун автотаъмирлаш хизматлари ишини яхшилаш;
- ҳавонинг ифлосланишини пасайтирувчи технологияларни жорий этиш йули билан саноат корхоналари томонидан ҳавонинг ифлосланишини камайтириш;
- озонни бузувчи моддаларни куллашни тухтатиш буйича Миллий Дастурни амалга ошириш;
- бугхона газлари ташламаларини кискартириш миллий стратегиясини амалга ошириш

ХУЛОСАЛАР

1. Биринчи маротаба Сурхондарё вилояти атмосфера ҳавосида радон-222 радионуклиди миқдори радиметрик-спектрометрик усулда аниқланди;
2. Вилоятдаги табиий ва техноген объектларнинг радиацион омиллари катталикларини баҳолаш учун радиометрик усуллар мажмуаси такомиллаштирилди ва амалиётда қўлланилди;
3. ^{222}Rn радионуклидининг вилоят атмосфера ҳавосида миграция ва тарқалишининг баландлик, шамол йўналиши, атмосфера босими, ҳарорат, Тожикистон алюминий заводи ва “Афғон шамоли” га боғлиқлиги исботланди;
4. Табиий ва техноген объектларнинг радон-222 билан радиацион ифлосланиш даражасини кўрсатувчи нурланиш зарарлаш даражаси НЗД қийматининг аҳоли ва ишчи-ходимлар учун йил фасллари, шамол йўналиши ва бошқа омилларга боғлиқлик графиги яратилди;
5. Атмосфера ҳавосида радон-222 радионуклидини аниқлаш, мониторинг ва назорат қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
6. Олинган тадқиқот натижалари асосида ишчи ходимларнинг олган йиллик эффектив дозаси миқдорини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДИКАДИРОВ ШАВКАТ АБДИХАМИДОВИЧ

**РАДИОЭКОЛОГИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ЗАГРЯЗНЕНИЯ
АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА РАДОНОМ-222 В
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

**11.00.05 - Охрана окружающей среды и рациональное использование природных
ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Термез – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером _____

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tersu.uz и информационно-образовательном портале ZIYONET по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководители:

Тураев Хайит Худайназарович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кулдашева Шахноза Абдулазизовна
доктор химических наук, профессор
Мукимова Гульвар Джумаевна
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в «__» часов на заседании Ученого совета на основе Ученого совета PhD.03/30.12.2019.T.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета за №____, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43.Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(протокол рассылки № _____ от «__» _____ 2021 г.).

И.А. Умбаров

Председатель разового научного совета
по присуждению ученой степени, д.т.н., проф.

Ш.А. Касимов

Ученый секретарь разового научного совета
по присуждению ученой степени, д.ф.х.н, доц.

Р.В.Аликулов

Председатель разового научного семинара
при разовом научном совете по присуждению
ученой степени, д.х.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одной из самых актуальных проблем сегодня является охрана атмосферного воздуха, который является важнейшим фактором жизни человека, обеспечивающим соответствие его качественных показателей экологическим стандартам. Загрязнение атмосферного воздуха пагубно влияет на людей, растения, животных и все живые существа в целом. По данным Всемирной организации здравоохранения, в 2018 году 7 миллионов человек ежегодно умирают в результате чрезмерного загрязнения воздуха. В частности, вверху списка находятся страны Азии и Африки. Двадцать пять процентов сердечных заболеваний, 24 процента параличей и 43 процента рака легких у людей вызваны вдыханием загрязненного воздуха. Загрязнение атмосферного воздуха отрицательно сказывается не только на людях, но и на окружающей среде, флоре и фауне.

Сегодня увеличиваются темпы добычи, переработки и использования радиоактивного урана, перспективного ядерного топлива, являющегося основным энергоносителем. В Республике имеются 99,5 тыс. постоянных, более 3,5 тыс. промышленных предприятий и около 4 млн переносных источников (автомобили) загрязнения. Определенные теоретические и практические результаты достигаются при применении экологически чистых технологий на предприятиях. Четвертым направлением Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «обеспечение экологической безопасности жизни человека, строительство и модернизацию комплексов по обращению с отходами, укрепление их материально-технической базы». В связи с этим важное значение имеют научные исследования по оценке масштабов воздействия природных и техногенных радиационно опасных территорий на экосистему.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, изложенных в указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», от 23 августа 2017 г. № ПП-3236 «Химическая промышленность в 2017-2021 гг.», в законе Республики Узбекистан «О мирном использовании атомной энергии» № 565 от 10 сентября 2019 г., в постановлении Президента Республики Узбекистан от 30 октября 2019 года «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды в Республике Узбекистан до 2030 года» и в других нормативных актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в связи с IV приоритетным направлением развития науки и технологий республики «Охрана окружающей среды и рациональное использование природных ресурсов».

